

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2017  
ФЕВРАЛЬ

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>С.ЗОКИРОВА</b>	
Контрастив, конфронтатив ва чоғиштирма тилшунослик атамалари хусусида .....	56
<b>Н.ПАЗЛИДДИНОВА</b>	
Сабзавот экинларини ифодаловчи фитонимлар ва уларнинг мавзуй таснифи .....	61
<b>М.ҒОЗИЕВА</b>	
Суперсегментал бирликлар тадқиқига доир .....	65
<b>Ғ.ХОШИМОВ, Ж.ҚОРАБОВ</b>	
Турли тизимли тилларда ундалма орқали воқелантирилган фразео- гиперболамаларнинг типологияси хусусида .....	69
<u>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</u>	
<b>Р.ИСАКОВА, Ф.ОТАЖОНОВА, Н.ХАИТБАЕВА</b>	
Рус тили ўқитиш жараёнига АКТни жорий қилиш – индивидуализация, дифференциация ва мустақиллик тамойилларини амалга ошириш .....	74
<b>Ш.ХОНКЕЛДИЕВ, Д.КАРИМОВ</b>	
Спорт гимнастикасида иқтидорли болаларни йўналтиришнинг педагогик технологиялари .....	77
<u>ИЛМИЙ АХБОРОТ</u>	
<b>И.ДЕҲҚОНОВ, М.ПАРПИБОВЕВА</b>	
Чет тили дарсларида ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқларида учрайдиган хатолар ва уларни бартараф этиш йўллари .....	81
<b>Н.ҚҮЛДАШЕВ</b>	
Эколингвистика .....	84
<b>Д.ҲАСАНОВА, Т.МҶМИНОВА</b>	
Наврий суҳбат ва суҳбатдош ҳақида .....	87
<u>АДАБИЙ ТАҚВИМ</u>	
<b>Ҳ.ЖҶРАЕВ</b>	
Тотувлик, тенглик ва диний бағрикенглик тараннуми .....	89
<b>Н.УМАРОВА</b>	
Алишер Наврий дostonларида халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари масаласи .....	93
<u>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</u>	
<b>ВОДИЙНИНГ ЗАБАРДАСТ ОЛИМИ</b> .....	96
<u>ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ</u>	
<b>Библиография</b> .....	99
<u>ҚУТЛОВ</u>	
<b>Ғолиблар аниқланди</b> .....	101

## ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА НУТҚЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ХАТОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

И.Деҳқонов, М.Парпиева

### Аннотация

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқидаги хатоликларнинг муаммолари ёритиб берилди.

### Аннотация

В статье раскрываются проблемы, связанные с ошибками в устной и письменной речи учащихся общеобразовательных школ.

### Annotation

In this article the problems of mistakes in oral and writing speech of schoolchildren at secondary school are expounded.

**Таянч сўз ва иборалар:** хотира, қайта тикланиш, ўқиш, монологик ва ёзма нутқ, идрок қилиш.

**Ключевые слова и выражения:** память, восстановление, чтение, монологическая и письменная речь, восприятие.

**Keys words and expressions:** memory, alteration, reading, monologue and writing, perception.

Ўсмир ёшда болаларда хотира қайта тикланиши билан боғлиқ муҳим жараёнлар бўлиб ўтади. Мантикий хотира фаол ривожлана бошлайди. Мактабда янги предметлар сони ортиб бориши билан маълумотлар миқдори ҳам сезиларли даражада ортиб боради, қайсики уларни ҳаммасини ўсмир ўқувчи ёдида сақлаб (механик ҳолда ҳам) қолиши керак бўлади.

Ўсмир ўқувчининг шу ёшида кўп учрайдиган, бошланғич таълим ўқувчиларидан фарқли ўлароқ [1. 12], хотирасини ёмонлигидан норози бўлади. Шу билан бир қаторда ўқувчида хотирасини яхшилашга қизиқиш уйғонади.

Ўсмир ёшда хотира билан бошқа психологик функциялар ўртасидаги муносабатда ҳал қилувчи сурилиш бўлиб ўтади. Болалик ва ўсмир ёшда ўқувчиларда ўқиш, монологик ва ёзма нутқнинг ривожланиши фаоллашади. 5 – 9 – синфларда ўқиш кўникмаси тўғри ўқишдан тез, ифодали, ҳатто ёддан ўқиш лаёқатига қараб ривожланади. Монологик нутқ бирор бир асар ёки матндан парчани гапириб бериш кўникмасидан оғзаки гапириб бериш, муҳокама қилиш, фикрни баён қилиш ва далиллар келтириш лаёқатига ўтиб боради [2. 23]. Ёзма нутқ ёзма баён ёзиш кўникмасидан берилган топшириқ бўйича ёки ихтиёрий мустақил иншо ёзишга томон ўсиб боради. Мулоқот жараёнида ўқувчиларда

нотаниш кишилар билан мулоқотга киришиш, уларнинг яшаш манзиллари, ўқиш ва иш жойлари ҳақида маълумот олиш, мақсадга эришиш кабиларни ўз ичига олган коммуникатив кўникмалар шаклланади ва ривожланади.

Тинглаш, – бу, тинглаб тушуниш кўникмасини текшириш учун махсус тестлардан фойдаланиб, чет тилида эшитиш жараёнидир.

Психологлар кузатувларида таъкидланишича оғзаки, нутқни тушуниш, уни идрок қилиш ва англаш натижасида амалга ошади [2.31]. Чет тилини идрок қилиш ва эшитиб тушунишдаги қийинчиликлар уч асосий гуруҳга бўлинади:

1. Эшитиш ва тингловчининг нутқ фаолиятидаги ўзига хосликлар билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар.

2. Тил ўргатувчининг нутқ фаолиятидаги ўзига хосликлар билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар.

3. Тили ўрганилаётган мамлакат цивилизациясининг ўзига хосликлари билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар.

Нутқни эшитиб идрок қилиш, асосан, эшитиб ҳис қилишга таянади. Бизнинг эшитиш аъзоларимиз суҳбатдошимизнинг нутқ товуши таъсирини ҳис қилади. Эшитиш аъзоларининг ҳис қилиш натижаси

И.Деҳқонов – ФарДУ немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси.

М.Парпиева – ФарДУ француз тили йўналиши 3- босқич талабаси.

суҳбатдош нутқини эшитиб тушуниш жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Лекин биз ўзгалар нутқини идрок қилиш билан бирга эшитганимизни ички нутқ шаклида такроран ишлаб чиқамиз[1.19]. Суҳбатдош юзини, унинг имо-ишораларини кўриб турсак, унинг нутқини идрок қилиш осонлашади. Кўриш хотираси нутқни идрок қилишнинг асосий шартларидан бўлмаса ҳам бу ерда ижобий ўрин тутди. Чет тилида эшитиб идрок қилиш ҳар бир тилдаги товушларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ бир қанча қийинчиликларни юзага келтиради. Умумий қийинчилик товуш билан сўз ўртасида ва сўз билан гап ўртасида аниқ чегара белгиланмаганлигидадир. Ундан ташқари она тилимиздаги баъзи товушларнинг чет тилида йўқлиги ҳам қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Француз тили сўзлари талаффузи ва ёзувидаги ҳар хилликлар билан боғлиқ ўзига хосликлар ҳам қийинчиликни вужудга келтиради. Интонация ҳам катта қийинчиликни келтириб чиқаради. Ҳар хил тилларда интонациядан ҳудди грамматик восита сифатида турлича фойдаланилади.

Чет тилидаги нутқни идрок қилишда нутқ жадал тезлиги, гапирувчининг товуши, кўриш таянчларининг бор ёки йўқлиги жуда муҳим ўрин тутди[3. 29]. Бу омилларнинг ҳаммаси ҳар қандай тилда тинглаш учун муҳимдир. Чет тилида нутқнинг жадаллиги тажрибали тингловчи учун тўсиқ ҳисобланади. Тез гапирилганда товушлар сифатини ўзгартиради, баъзан сўзлар бутунлай “ютиб” юборилади, гаплар ноодатий расмга айланади.

Ўқувчилар, одатда, паст овозда ишончсизлик билан гапирган ўз ўртоқларидан кўра, баланд овозда ва аниқ гапирган ўз ўқитувчиларини яхши тушунадилар. Оғзаки нутқни қабул қилишда кўриш таянчларининг мавжудлиги муҳим ўрин тутди.

Эшитувчи гапирувчининг нутқ органлари ҳаракатларини кузатиб, кўриб турса, унинг нутқ органлари ўз-ўзидан гапирувчиникига ўхшаб жойлашади. Унга ички нутқини юзага келтириш ва эшитаётган товуш, сўз ва ифодаларни англаш осон кечади. Гапирувчидан узоқда жойлашганимизда ёмон эшитишимиз, нафақат товушнинг пастлигидан, балки унинг нутқ органлари ҳаракатини кузата

олмаганимиздандир. Телефон орқали ёки радио орқали чет тилидаги нутқни эшитганимизда уни катта қийинчилик билан уқиб оламиз.

Чет тилидаги нутқни эшитиб қабул қилаётганимизда, у монологик ёки диалогик нутқ эканлиги билан фарқланади. Бу икки нутқ турини қабул қилишда ҳар бирининг ўзига яраша қийинчилиги бор. Монологик нутқни қабул қилишдаги асосий қийинчилик, ўйлаб фикрлаш учун вақт қолдирмайдиган гапирувчи нутқининг тезлигидир. Монологик нутқни қабул қилиш оз ёки узоқ давомли бўлади, шунинг учун етарли даражада ривожланган эшитиш хотирасини талаб этади.

Диалогик нутқни тушуниш билан боғлиқ қийинчиликлар, бу диққатнинг иккига бўлиниши, яъни суҳбатдош нутқини қабул қилиш ва унга ўз жавобини ўйлаш билан алмашинади.

Тинглаб тушунишни ўргатишда эшитиб нутқни қабул қилиш жараёнидаги қийинчиликлар – лаёқат жуда муҳим эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга олиб келади:

– нутқ жараёнида ўзгаришларга эга бўлган сўзни англаш, урғу тушган сўзни ажрата билиш;

– ифода этилаётган гапдаги интонация турини англаш, кўриш таянчлари ва уларсиз нутқни эшитиб идрок қилиш;

– нутқни аниқ тезликда идрок қилиш;

– турли инсонлар нутқини идрок қилиш.

Чет тилида сўзни тушуниш бир қатор лексик ҳамда грамматик тартибдаги қийинчиликлар билан боғлиқ.

Лексик қийинчиликлар қаторига аввало омофонларни киритиш мумкин. Талаффузда бир-бирига яқин бўлган сўзлар катта қийинчиликлар келтириб чиқаради (айниқса паронимлар, масалан: *economic* – *economical*, *enfin* – *enfant*, *entendre* – *attendre*); жуфт маънони ифодалайдиган сўзлар: жавоб бериш – савол бериш; олмоқ – қўймоқ; ғарб – шарқ.

Тинглаб тушуниш ва гапириш ўзаро боғлиқ бўлиб, таълим жараёнида бир-бирининг ривожланиши учун ёрдам беради. Нутқни тушунишни ўрганиш учун гапириш зарурдир, шунинг учун ўқувчи нутқингизни қандай қабул қилса, ўз тушунчасида шундай мулоҳаза қилади [4. 219]. Тушуниш гапириш жараёнида, гапириш эса тушуниш

жараёнида шаклланади. Ички нутқ ва у билан боғлиқ нутқий фикрлаш механизми асосини ташкил қилувчи артикуляция чет тилида тинглаб тушунишда ҳам, гапиришда ҳам ўз ўрнига эга. Гапириш жараёнида ички нутқ ёрдамида олдиндан фикрлаш

белгиланади. Тинглаб тушуниш ва гапириш кўникмаларининг бу қисқа қиёсий таҳлили нафақат уларнинг ўзаро яқин алоқалари, балки ўқиш ва ёзма нутқ кўникмалари билан чегараланган алоқаси ҳақида далолат беради.

**Адабиётлар:**

1. Гез Н.И., Ляховицкого М.В. Методика обучения иностранному языку, под ред. – Москва, 2002.
2. Никифорова О.А. Анализ ошибок в письменных работах по иностранному языку. – Москва, 2004.
3. Миролубова А.А., Рахманова И.И., Цетлина В.С. Общая методика обучения иностранному языку, под ред. – Москва: Просвещение, 2007.
4. Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Тошкент, 2012.

*(Тақризчи: С.Мўминов, филология фанлари доктори, профессор).*